

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ УМУММИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ

Санжар Авазов

ҚарДУ Фалсафа ва социология кафедраси ўқитувчиси

Кишиларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга кўчиши инсоният тарихининг илк паллалариданоқ муттасил содир бўлиб турган жараёндир. Илмий маълумотларга кўра, қадимги *homo sapiens* бундан 80-60 минг йил муқаддам Африка ва Евроосиё бўйлаб жойлашган ва аста-секинлик билан дунё бўйлаб кўча бошлаган¹. Шу даврдан бошлаб одамлар у ёки бу сабабга кўра бир маскандан бошқа ўлкаларга кўчишни қанда қилганлари йўқ. XVI-XIX асрларда бу жараёнлар айниқса жадаллашди. Америка, Жанубий Африка ҳамда Австралиядаги янги ерларнинг кашф қилиниши минглаб кишиларни мазкур ҳудудларга ошиқтирди. Одамлар янги ҳудудларни фаол ўзлаштирдилар, шу ўлкаларда умргузаронлик қила бошладилар. Ўша даврдаги ривожланган мамлакатларнинг тури минтақаларда амалга оширган мустамлакачилик сиёсати кишиларнинг кўчиши билан боғлиқ жараёнларни янада авж олдирди. Европанинг саноксиз вакиллари қарам бўлиб қолган диёрларга кўчиб ўтдилар, шунингдек, мустамлака юртлардан Кўхна қитъага куллар олиб келиш тенденцияси пайдо бўлди.

Дунё манзарасини тубдан ўзгартириб юборган иккинчи жаҳон урушидан сўнг одамларнинг бир ҳудуддан бошқасига кўчиб ўтиши жараёнларида ҳам янги хусусиятлар барқ ура бошлади. Бир томондан, кўчиш жараёнлари ниҳоятда интенсивлашди, иккинчи томондан эса, унинг йўналиши ўзгарди: энди ривожланмаган мамлакатларнинг фуқаролари иш, хавфсизлик, турар жой, озиқ-овқат илинжида ривожланган юртларга интилдилар. Мазкур жараёнларнинг полиатрибутив ва кўпвекторли характер касб қилиши уни илмий талқин қилиш, моҳияти ва қонуниятларини аниқлашга заруриятни ҳосил қилди. Шу тариқа кишиларнинг бир маскандан бошқасига кўчиши жараёнини ифодаловчи термин – “миграция” тушунчаси юзага келди.

Меҳнат миграцияси умуммиграцион жараёнларнинг энг аҳамиятли, энг мазмундор, энг кўлами кенг типларидан биридир. Меҳнат миграцияси –

¹ Положихина М.А. Эволюция *homo sapiens*: от естественной к искусственной?. // Социальные новации и социальные науки, 2022, - №4. –С. 11.



кишиларнинг доимий, вақтинчалик ва мавсумий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қонуний ёки ноқонуний равишда мамлакатнинг бошқа худудларига ёки бошқа ўлкаларга кўчиши жараёнидир. У яқин ўтмишда тасодифан юзага келиб қолган жараён эмас. Меҳнат миграцияси кўп асрлик тарихга эга бўлиб, инсониятнинг турли даврларида қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида гоҳо интенвислашиб, гоҳо эса секинлашиб борган. Лекин ўтган асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб бутун жаҳонда меҳнат миграциясининг фаоллашгани ва моҳиятан мураккаблашгани кузатилмоқда.

Меҳнат миграциясининг ўзига хос таснифий белгилари мавжуд. Жумладан, худудий белгиларига қараб уни ички ва ташқи миграцияга таснифлаш мумкин. Ички меҳнат миграцияси бир мамлакат ичида қуйидаги йўналишлардаги кўчишлардан таркиб топади:

- қишлоқлардан шаҳарларга ёхуд шаҳарлардан қишлоқларга кўчиш. “Одамларнинг шаҳарларга кўчиб келиши ва ишга ёлланиши тараққиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ишчи кучи оқими ўсаётган шаҳарларни арзон меҳнат ресурслари билан, хизмат кўрсатиш соҳасини истеъмолчилар билан таъминлайди. Бу эса ўз навбатида шаҳар кенгайиб, ривожланиб боришига сабабчи бўлади”² Айрим фуқаролар қулай ва мақбул меҳнат фаолияти билан шуғулланиш илинжида шаҳардан қишлоққа кўчишлари ҳам мумкин, бироқ бу йўналишдаги меҳнат миграциясининг интенсивлиги нисбатан пастроқ;
- бир вилоятдан бошқа вилоятга кўчиш. Бундай меҳнат миграцияси ўз яшаш жойида мутахассислиги бўйича мақбул ва нисбатан сердаромад иш ўринларини топа олмаган, мавжуд меҳнат шароитларидан қониқиш ҳосил қилмаган ёки касбий ўсишини таъминлай олмаган кишиларни қамраб олади. Мазкур жараён ички меҳнат миграциясининг энг кам тарқалган йўналишларидан биридир;
- вилоятлардан пойтахтга кўчиш. Дунё бўйлаб ички меҳнат миграциясининг ушбу йўналиши муттасил интенсивлашиб бораётгани кузатилмоқда. Пойтахт саноатининг ривожланганлиги, иш ўринларининг нисбатан кўплиги ва иш ҳақи миқдорининг баландлиги билан диққатни тортиб туради. “Жаҳон тажрибасида ҳам Буюк Британияда бошланган саноат

² Жўраев Ш., Аҳроров Д. Нотенг ички миграция: сабаблар ва оқибатлар. // kun.uz, 2021, 6 июнь.



инқилобидан сўнг бу жараён фаоллашгани ҳамда Токио, Деҳли, Сан-Паулу каби мегашаҳарлар вужудга келганини кўриш мумкин”³.

Ташқи меҳнат миграцияси фуқароларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун ўзга мамлакатларга йўл олиши жараёнини англатади. Инсоннинг хорижга ҳар қандай сафари ташқи меҳнат миграцияси бўлавермайди. Фуқаронинг бир ҳудуддан бошқасига кўчиши икки атрибутга асосан ташқи меҳнат миграцияси сифатида тан олиниши мумкин. Биринчидан, бунинг учун у ўзга мамлакатларга фақат иқтисодий мақсадларда, меҳнат қилиш ниятида йўл олган бўлмоғи лозим. Иккинчидан, бунинг учун у шу мақсадда давлат чегарасини кесиб ўтган бўлмоғи даркор⁴. Ташқи меҳнат миграцияси инсоният тараққиётининг турли босқичларида мавжуд бўлган бўлсада, давр ўтиши билан аста-секинлик билан интенсивлашиб бормоқда. “Мутахассисларнинг фикрига кўра, келажакда ҳам ушбу тенденция сақланиб қолади. Бизнингча, у нафақат сақланиб қолади, балки янада кучайиб, интенсивлашиб боради. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, меҳнат миграцияси учун катта имкониятларнинг пайдо бўлганлиги, иккинчидан, аҳоли турмуш даражасида мамлакатлараро табақалашувнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги, учинчидан, аҳоли онгининг ўсиб, яхшироқ шароитларда яшашга интилишининг кучайиши”⁵ билан боғлиқ.

Давомийлигига қараб меҳнат миграциясини доимий, вақтинчалик ва мавсумий миграцияга таснифлаш мумкин. Доимий миграция деганда мигрантнинг нафақат меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ўзга ҳудудга ёки мамлакатга кўчиши, балки шунинг билан бир қаторда яшаш жойини ҳам ўзгартириши тушунилади. Бундай ҳолларда у янги ҳудудда ёки мамлакатда ўзи танлаган меҳнат фаолияти билан бутун умри давомида машғул бўлишни ният қилади ва шу боис ўз яшаш жойини ҳам ўзгартиришга мажбур бўлади. Лекин меҳнат мигрантларининг катта қисми ўз яшаш жойини буткул тарк этишни мақсад қилмайди, у ўзга ҳудудда, юртда маълум муддат меҳнат қилишни ҳамда муайян миқдорда даромад жамлашни, шундан сўнггина уйига

³ Жўраев Ш., Аҳроров Д. Нотенг ички миграция: сабаблар ва оқибатлар. // kun.uz, 2021, 6 июнь.

⁴ Дутов П.О. Внешняя трудовая миграция: к вопросу определения понятия и признаков. // Вестник экономической безопасности, 2018, - №3. –С. 34-39.

⁵ Мухаммедов М.М., Арабов Н.У. Ташқи меҳнат миграцияси: муаммолар ва ечимлар. // Journal of marketing, business and management, 2022, -№4. –Б. 56.



кайтишни маъкул кўради. Меҳнат миграциясининг бундай кўриниши вақтинчалик миграция деб юритилади.

Кейинги йилларда меҳнат миграциясининг яна бир кўриниши – мавсумий миграция авж олиб бормоқда. Буни, масалан, қишлоқ хўжалигида, қурилиш соҳасида, хизматлар кўрсатиш борасида кўриш мумкин. Ушбу мигрантларнинг меҳнати мавсумий характерга эга. Мавсум ўтгач (айтайлик, экиш ёки йиғиш-ўриш юмушлари якунига етгач, қурилиш объекти қуриб битказилгач, туристларга хизмат кўрсатиш даври тугагач), уларнинг меҳнатига ҳам келгуси мавсумга қадар эҳтиёж қолмайди. Шу боис мигрант ўзи меҳнат қилаётган ҳудудга даврий равишда қатнашга мажбур бўлади.

Ҳуқуқий мақомига қараб меҳнат миграциясини қонуний ва ноқонуний миграцияга таснифлаш мумкин. Қонуний меҳнат миграцияси қонуний асосларга кўра амалга оширилади. Бунда асос вазифасини, расман қабул қилинган меҳнат қонунлари, икки давлат, вилоят, шаҳар, ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик шартномалари, ўзаро келишув ҳужжатлари ўташи мумкин. Расмий миграциянинг мақбул ва қулай жиҳатлари талайгина. Биринчидан, бундай вазиятда меҳнат мигрантига иш ўрни кафолатланади, у иш излаш мушкулотларидан қутулади. Иккинчидан, мигрантнинг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқлари меҳнат қонунлари ва ҳамкорлик шартномаларини имзолаган субъектлар томонидан муҳофаза қилинади, унинг ҳар томонлама хавфсизлиги таъминланади. Учинчидан, меҳнат мигранти маҳаллий аҳолига тақдим қилинган ижтимоий, тиббий, маърифий, маиший ва шу каби хизматлардан тўлақонли фойдаланиш имконига эга бўлади.

Ноқонуний меҳнат миграцияси - меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида мавжуд меҳнат ва миграция қонунчилигига зид равишда бошқа ҳудудга ёки мамлакатга кўчиш жараёнидир. Тўғри, ноқонуний меҳнат миграцияси топилган даромаднинг катта қисмини турфа солиқлардан сақлаб қолиш имконини беради. Лекин у мислсиз хатарларни ҳам юзага келтиради. Хусусан, ноқонуний ички меҳнат миграцияси шахсга иш ҳақининг тўлиқ ва белгиланган муддатда тўланишини кафолатламайди. Ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси эса мигрантнинг ҳуқуқий нигилизм, одам савдоси, экстремизм қурбонига айланиши хавфини оширади. Таассуфки, жаҳон мамлакатларида миграция қонунчилиги муттасил такомиллаштириб



борилаётганига, ноқонуний миграция қурбонлари ортаётганига қарамасдан, меҳнат миграциясининг айнан ана шу кўриниши интенсивлашмоқда.

Миграциянинг барча типлари каби меҳнат миграцияси ҳам тасодифий юз берадиган ижтимоий ҳодиса эмас. У аниқ сабабларнинг зарурий оқибатидир. Одатда меҳнат миграциясининг кучайиши сабаблари ҳақида гапирганда турли омиллар тилга олинади. Аксар муаллифлар бу омилларни бир қадар тизимга солишга уринишмайди. Лекин чуқурроқ таҳлил мазкур омилларда ҳам муайян тизим мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, меҳнат миграцияси, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий омиллар, иккинчи томондан эса, шахсий омиллар оқибатида содир бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясининг кўлами ва мароми энг аввало қатор ижтимоий-иқтисодий омиллардан келиб чиқади. Бу омиллар сарасида мамлакат, минтақа, ҳудуддаги иқтисодий беқарорлик бирламчи ўрин тутди. Мутахассислар иқтисодий беқарорлик белгиларини қуйидагилар билан боғлайдилар: а) иқтисодий тизимдаги ҳаракатчанлик ва динамикликнинг йўқолиши; б) иқтисодиётнинг ташқи омиллар ўзгаришига мослаша олмаслиги; в) иш билан таъминлаш кафолатларининг мавжуд эмаслиги; г) нархларнинг беқарорлиги; д) инфляция; е) кредитларнинг қимматлиги⁶. Ушбу белгилар билан меҳнат миграцияси кўлами ҳамда интенсивлиги ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд: улар ўткирроқ намоён бўла боргани сайин кишиларнинг ўз меҳнат фаолиятини бошқа ҳудудларда амалга ошириш истаги ва интилишлари фаоллашаверади. Иқтисодий беқарорликнинг бартараф этилиши ва иқтисодий ўсишнинг таъминланиши меҳнат миграцияси суръатларини камайтиришнинг дастлабки манбаидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, аҳолининг турли сабабларга кўра ихтиёрий ёки мажбурий кўчиши бўлмиш миграция полиатрибутив ва кўп векторли жараёндир. Унинг типлари (ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, маданий, экзистенциал) кишиларни кўчишга ундаган сабабларга қараб аниқланади. Меҳнат миграцияси умуммиграцион жараёнларнинг энг аҳамиятли, энг мазмундор, энг кўлами кенг типларидан бири бўлиб, кишиларнинг доимий, вақтинчалик ва мавсумий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қонуний ёки ноқонуний равишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ёки бошқа

⁶ Шелкунова Т.Г., Чернова А.П. Экономическая нестабильность в рыночной экономике. // Экономика и бизнес: теория и практика, 2021, - №9-2, -С.145.



Ўлкаларга кўчиши жараёнини англатади. У ўз таснифий белгилари, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий омиллар билан боғлиқ сабаблари, хусусиятлари ва оқибатларига эга ижтимоий ҳодисадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт страте-гияси.”Ўзбекистон”. Тошкент. 2023 йил.
2. Дутов П.О. Внешняя трудовая миграция: к вопросу определения понятия и признаков. // Вестник экономической безопасности, 2018.
3. Жўраев Ш., Аҳроров Д. Нотенг ички миграция: сабаблар ва оқибатлар. Тошкент. 2021 йил
4. Мухаммедов М.М., Арабов Н.У. Ташки меҳнат миграцияси: муаммолар ва ечимлар. // Journal of marketing, business and management, 2022.
5. Шелкунова Т.Г., Чернова А.П. Экономическая нестабильность в рыночной экономике. // Экономика и бизнес: теория и практика, 2021.
6. Минеева Д. Ўзбекистон Россиядаги меҳнат мигрантлари сони бўйича етакчи.// plov.press, 2021, 14 декабрь Демография. Асосий демографик кўрсаткичлар. Туғилиш коэффициенти. // stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2.
7. Рустамов Н.И. Аҳоли турмуш даражаси ва Ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2015.
8. Харитоновна Т.В., Алексеева С.Н. Уровень жизни населения: основные подходы к оценке показателей. // Нива Поволжья, 2016.

